

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

А.Юсупов	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиқов	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
	ТИЛШУНОСЛИК
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Саидова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
	ПЕДАГОГИКА
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

**“ГҮРҮҒЛИ” ДОСТОНИ ВЕРСИЯЛАРИ КАРЛ РАЙХЛ ТАДҚИҚОТЛАРИ МИСОЛИДА
ВЕРСИИ ЭПОСА «ГОРОГЛЫ» НА ПРИМЕРЕ ИССЛЕДОВАНИЙ КАРЛА РАЙХЛЯ
VERSIONS OF THE EPIC "GOROGLY" BASED ON THE RESEARCH OF KARL REICHL**

Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна¹

¹Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна – Низомий номидаги ТДПУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада таниқли немис олими Карл Райхлнинг туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида кенга тарқалган “Гүрүғли” туркуми достони версиялари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматриваются научные исследования известного немецкого ученого Карла Райхля по версиям популярной среди тюркских и нетюркских народов эпоса «Гороглы».

Annotation

The article discusses the scientific research of the famous German scientist Karl Reichl on the versions of the epic "Gorogly", which is popular among Turkic and non-Turkic peoples.

Таянч сўз ва иборалар: достон, версия, туркум, ижро, образ, ижрочи, тадқиқотчи.

Ключевые слова и выражения: эпос, версия, цикл, перформанс, образ, исполнитель, исследователь.

Keys words and expressions: epic, version, series, performance, image, performer, researcher.

Олмониялик олим Карл Райхл туркий халқлар эпоси тадқиқотчиси сифатида танилган таниқли олимлардан биридир. Унинг туркий халқлар эпослари орасида алоҳида ўринга, шуҳратга, муҳаббатга эга бўлган, ўзбек, озарбайжон, турк, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман, арман, грузин, курд халқлари, шунингдек, Сибирь татарлари, Булғор турклари, Эрон озарбайжонлари, Ставрополь туркманлари, Афғонистон ўзбеклари эпик ижодиётида кенга тарқалган “Гүрүғли” туркуми достонлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари эътиборлидир. Чунки “Күрүғли/ Гүрүғли” ҳикояси туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида мавжуд. Унинг туркий бўлмаган версиялари туркий версиялари сингари ғарбий ва шарқий гуруҳларга бўлинади. Худди шу жиҳат кўпдан жуда кўп олимларнинг диққатини тортиб келаётир.

Карл Райхл ҳам шу масалага алоҳида эътибор бериб, ушбу йирик туркум достоннинг Шарқ-у Ғарбда тарқалиши, ўрганилиши, улардаги синтезлашув ҳамда трансформациялашув жараёнларини очишга ҳаракат қилган. Шу мақсадда у ўзининг “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китобидаги “Transformations in Space and Time” номли “макон ва вақт”

(хронотоп) масаласи ўрганилган ўнинчи бобида бу достоннинг турли даврларда ёзиб олинган турфа вариант ва хронологиялари, тарқалиши хусусида қимматли мулоҳазаларни илгари сурган. Гүрүғли ёки Күрүғли антропонимининг пайдо бўлиши ва қўлланиши, достондаги анъанавий образ ва мотивларнинг генезиси ҳақида баъзан баҳсли, баъзан асосли фикрлар юритган.

Шуни айтиш мумкинки, “Гүрүғли” туркуми достонлари туркий халқларнинг лингвистик ҳамда этник қатлами чегараларини қамраб олганлиги билан ўзаро фарқлиниб, версия сифатида намоён бўлади. Яна Күрүғли/Гүрүғли номи билан боғлиқ эртақлар ҳам пайдо бўлганки, улар турк ва турк бўлмаган халқлар – эроний тилларда сўзлашувчи тожик ва курдлар, Марказий Осиё араблари, грузинлар ва арманлар орасида кўпроқ тарқалган ва машҳурлик касб этган.

Т.Мирзаевнинг гувоҳлик беришича, олимлар «Гүрүғли» туркуми достонларини икки катта тармоққа бўлинишини қайд этадилар [1. 165-279]. Фанда уларнинг бири Кавказорти ва Яқин Шарқ версиялари (озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқалар) деб юритилса, иккинчиси, Ўрта Осиё версиялари (ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ,

туркман, тожик ва бошқалар) деб аталади. Бу икки тармоққа бирлашган версиялар ўзаро муайян умумийликка эга бўлса-да, дostonларда қамраб олинган воқелик, эпик анъана ва бош қаҳрамонга берилган баҳо, уларнинг ҳажми, таркиби, куйланиш ва тарқалиш хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий равишда фарқ қилади” [5. 176].

Карл Райхл Кўрўғли/Гўрўғли номи билан боғлиқ эртақ ва дostonларнинг келиб чиқишига, тарқалишига катта қизиқиш билан қараган. Унинг ёзишича, аксарият олимлар ушбу йирик туркумнинг тарихий асосини XVI аср охирида Туркия ва Озарбайжонда Жалали ҳаракатида кўришган. Усмонли султони ва форс шоҳига қарши кўзғолончилар (туркий жалали) орасида Кўрўғли (бу туркча имлосида; озарбайжонча: Короғлу) бўлгани айтилади. Арман тарихчиси табризлик Аракел (XVII аср) фикрига кўра, у кўшин таркибида ҳарбий раҳбар ва кўшиқчи бўлган.

“Кўрўғли/Гўрўғли” циклининг энг қадимги нашр этилган версияси А.Ходзконинг озарбайжон тилидан 1842 йилда қилинган инглизча таржимасидир. У озарбайжон версиясининг 13 мажлисини (дostonини) ёзиб олиб, 1842 йилда уни инглизча таржимаси билан биринчи марта нашр этган дипломат.

“Гўрўғли” дostonлари халқ дostonчилигида ҳар бири мустақил яшаган ва айрим-айрим номга эга бўлган асарлар силсиласи, муайян омиллар билан бир-бирига бирлашган каттакон туркум бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқда жуда кенг тарқалган. Бу дostonлар бир қатор халқлар каби ўзбек халқи эпик ижодиётининг ҳам йирик қисмини ташкил этади. Бу туркум ўзбек, тожик, қозоқ, татарларда Гўрўғли, туркманларда Гўрўғли, Кўрўғли, Карўғли, озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқаларда Кўрўғли номи билан шуҳрат қозонган. Озарбайжон “Кўрўғли”сини биринчи марта тўплаб нашр этган (1842) дипломат Ходзко: “Осиёда бирор бурчак йўқки, у ерда Кўрўғлининг номи айтилмасин. Ҳатто Бессарабия ва Молдавияда унинг отини эшитасиз. Агар адибларнинг шуҳрати ва машҳурлиги уларнинг ўқувчиларининг сони билан ҳисобланса, унда Фирдавсий “Кўрўғли”дан бир оз ортиқ бўлади”, деб ёзган эди [6. 60].

Тбилисидаги Грузия Фанлар академиясининг кўлёмалар бўлимида дostonнинг XIX аср ўрталаридаги кўлёмаси мавжудлиги аниқланган. Ушбу вариант 28 та шохни ўз ичига олади ва Ходзко матнига жуда яқин туради. Аммо туркумдаги шеъринг парчалар, анча қадимги даврларга тегишли. Яна аниқланишича, XVIII асрнинг биринчи ярмида Форс шоҳидан Россия подшоҳига топшириқ билан йўлга чиққан Илём Мушежган исмли арман савдогари Астрахан шаҳрида ҳибсга олинади. Унинг кўлида 1721 йилда арман ёзувида ёзилган Кўроғлу туркумидаги қисқа насрий баён бўлган. Шу тариқа дoston матни Кавказ томонларга келиб қолган. Унга кейинчалик кўшилиб кетган озарбайжон кўшиқлари замонавий озарбайжонларнинг айрим кўшиқ вариантларига жуда яқин. Уларда Озарбайжон ҳаёти билан боғлиқ воқеалар талқини муҳим ўрин эгаллаган. Кейинчалик улар Шарқ ва Ғарбга ҳам тарқалган.

Умуман айтганда, Гўрўғли дostonларидан энг кенг тарқалгани турк ва озарбайжон версияларидир. Ғарбий версияга тегишли бўлган бошқа туркий матнлар Радлов томонидан Тобол татарларидан ёзиб олинган Кўрўғли ҳақидаги эртақдир. Дoston матни эса қрим-татарлар орасида анча машҳур. Қрим-татарларнинг дostonи А.Ходзко инглизчага таржима қилган озарбайжон варианты билан яқиндир.

Уларда айтилишича, Кўрўғли теке қабиласидан келиб чиққан туркман бўлган. Унинг отаси Султон Мурод Туркистон вилоятларидан биридаги “устахона эгаси” сифатида фаолият юритган. Бир куни отбоқар хўжайини учун нотаниш икки кулни танлаб шарманда бўлади. Султон ғазабланиб, унинг кўзини ўйиб олади, лекин унинг ўғлига кулларнинг иккинчисини совға қилади. Ўша вақтдан бошлаб бола ўзини “кўрнинг ўғли” (туркча “кўр”, озарбайжонча “кор”, “кўр”) деб атайди. Лекин отасининг қотилидан ўч олиш учун қасам ичади, шу мақсадда атрофига содиқ жангчилар йиға бошлайди. У Чамбилбел тоғ ёнбағрида қарағай дарахтидан қалъа қуриб, у ерда тулпори Ғирот (қанотли от) – Қирот (ёки туркча имлоси билан Кират, “кулранг от”)да машқлар қилади.

Дostonнинг туркча ва озарбайжонча версиялари жуда ўхшаш. Ҳар иккала

АДАБИЁТШУНОСЛИК

версияда қаҳрамоннинг исми, унинг жасурлиги ва қўмондон сифатидаги кўриниши тавсифланади.

Туркча вариантларда Кўрўғли туркман деб кўрсатилмаган. Бунда у Болубекка қарши курашлар олиб боради. Шунингдек, қаҳрамоннинг туркман эканлиги ҳақидаги изоҳ туркумнинг ғарбий версиясида ҳам мавжуд эмас. Бу изоҳ туркумнинг шарқий версияси ва Ходзко матни билан чекланган озарбайжон вариантларига хосдир.

Туркумнинг дастлабки туркий вариантларидан бири И.Кунош томонидан Радлов асарларининг саккизинчи жилдида нашр этилган. XIX асрда И.Кунош таҳрири остида Кўрўғли ҳикоясининг литографияси нашр қилинган. Ушбу китоб Кўрўғли отасининг кўр бўлиб қолиши, унинг Ғиротни сотиб олиши, Аваз ва Кенан орасидаги жанг тасвири каби туркумдаги муҳим ва асосий эпизодларни ўз ичига олган. Воқеалар эса Кўрўғлининг ўғли Ҳасан ва Бенлихоним ўртасидаги севги-муҳаббат саҳнаси билан тугайди. Достон Кўрўғли ва унинг елкадош, ҳаммаслак, ҳамсаф одамлари ёрдамида бахтли якун топади.

Хуллас, достон Гўрўғли, Кўрўғли, Карўғли, озарбайжон, грузин, турк ва бошқаларда Кўрўғли номи билан шуҳрат қозонган.

“Гўрўғли” туркий туркум достонларидаги **ошиқлар образи** баъзи вариантларда парча кўринишида берилган. Бу жиҳатдан вариантлар орасида В.Эберхард томонидан 1951 йилда Туркиянинг жануби-шарқидаги Ғозитепадаги кўшиқчи Ҳасан Дебрэндан ўн соатдан кўпроқ вақт давомида (лентага) ёзиб олинган версияси эътиборлидир.

К.Райхл маълумотида кўра, Кўрўғлининг энг “тўлиқ” туркча варианты 1958 йилда Шарқий Онадўлидаги Эрзирум шаҳрида Беҳчет Моҳир томонидан тасмага ёзиб олинган. Достон куйловчиси саводсиз, савдогарлик билан шуғулланган киши бўлиб, одатда, Рамазон ойида қаҳвахоналарда Кўрўғли ҳақида ҳикоялар қилиб юрган. Унинг версияси туркумнинг ўн бешта қисмини ўз ичига олади ва босма шаклда тахминан 600 бетни ташкил этади. Ижроси жонли, нутқий наср билан тавсифланади. Унда ривоятчи шарҳлари четга суриб қўйилган. Воқеалар сокинлик билан давом эттирилади. Насрий қисмлар шеърий парчалардан устун туради.

В.Эберхарднинг сўзларига кўра, куйловчи кечқурун 30 дан 45 дақиқагача достон айтади ва бу вақт оралиғида ўртача битта кўшиқ куйланиб бўлиниши керак. Кўшиқлар нисбатан барқарор. Алоҳида парчалар эса бир-биридан, асосан, туркумнинг насрий қисмларидан фарқ қилади.

Беҳчет Моҳир китобнинг нисбатан ихчамлаштирилган шакли билан жонли ижродаги асар ўртасида фарқ борлигига эътиборни қаратади. Иккала жараён солиштирилса, жонли ижро пайтида ривоятчи анча эркин бўлиши аёнлашади. Достонда Кўрўғли образи нафақат қаҳрамон йигит, балки ўз кўшиқларини моҳир куйлайдиган кўшиқчи сифатида ҳам тасвирланган.

“Гўрўғли” достони қурилиши, эпик асарлар каби таркибий тузилиши нуқтаи назаридан “Китоби Дада Кўрқут” китобига ўхшайди. Достонда Кўрўғли отасининг кўзи кўр қилиниши, Кўрўғлининг ғайритабиий ҳолга келиб, атрофига бир қатор мард дўстларини тўплаши мотиви ундаги тугун ва воқеалар ривожини белгилаган, дейиш мумкин. Аммо туркумнинг умумий тузилишидан ташқари, ундаги алоҳида парчалар ҳам бир-биридан мустақил бўлиб, очиқ эпизодлар ва саргузаштлар қаторида бирлашади. Булар маъшуқани курашда ютиб олиш (олтинчи бобда), асирликдан қутулиш, Болубей ва бошқа душманларга қарши ҳарбий юришлардан иборат эпизодлардир.

Кўрўғли достонларининг иккинчи авлоди унинг ўғли Ҳасан билан воқеалар ҳисобига кенгайтирилган бўлса-да, унда муҳаббат саргузаштлари алоҳида мавзунини ташкил қилади. Бироқ цикл, умуман олганда, эски ва янги қарашлар кесишиши натижасида содир бўлган ўзгариш Кўрўғлининг ўлими билан тугайди.

Достоннинг шарқий версияларида бош қаҳрамон “қабр ўғли” (форсча “гўр”, “қабр”) “Гўрўғли”, “Гўрўли”, “Гўруғли” ёки “Гўроғли” деб номланади. К.Райхл фикрича, исмдаги фарқ сюжетдаги фарқ билан боғлиқ.

Ўзбек ва уйғур достонларида қаҳрамон мўъжизавий равишда қабрда туғилган деб айтилади. Уйғурларнинг бир вариантыга кўра, Чамбил юртининг ҳукмдори Аҳмадхоннинг синглиси Зулпаройим, пайғамбар Алининг боғи ёнидан ўтиб, беихтиёр ҳомиладор бўлиб қолади. Аҳволидан хабар топгач, у Худодан унга

рахм-шафқат кўрсатишини, шарманда бўлгандан кўра ундан жонини олиб қўя қолишини сўрайди. Зулпаройим вафот этади, лекин унинг боласи, ўғил бола, қабрда туғилади ва уни бир қора бия эмизади. Бола ҳақида хабар топишгач, уни Аҳмадхон асраб олади ва унга “Гўрўғли” деб ном қўяди.

Достоннинг туркманча версияси ғарб ва шарқдаги версиялар ўртасида кўприк вазифасини бажаради, чунки унда қаҳрамоннинг қабрда туғилиши ва унинг отасининг кўзи ожизлиги мотивлари мавжуд. Қаҳрамон номининг ўзгариши ва асар сюжетидаги у билан боғлиқ трансформациялар бир-бири билан ёнма-ён юради. Негаки, унда қаҳрамон ўзига зулм ўтказган феодал хўжайинига нисбатан исёнчига айланади. У ўз зулмкорига нисбатан дабдабали судни ўтказди. Гўрўғлига хос исёнкорлик, зулмкорларга жазо бериш хусусияти туркумдаги бошқа достонлар сюжетида ҳам кузатилади. Кўпинча у шерикларига, асраб олган ўғилларига, набираларига ва ҳатто чевараларига қаҳрамонлик ишларида ёрдам бериш учун жўнаб кетади. Гўрўғлининг худди шу ҳолатлардаги сиймосида идеал қаҳрамонларга хос афсонавий, хаёлий ва хаётий хусусиятлар синкретлаштирилиб тасвирланиши ойдинлашади. Хусусан, достоннинг ўзбек ва тожик (эрон) версияларида бундай тасвир устунлик қилади.

Ўзбек Гўрўғлиси “зодагон қароқчи” эмас, балки у Чамбил ўлкаларининг туркман ва ўзбек беги, аслзода ҳукмдори, туғма машҳур эпик намоянасидир. Шуни инобатга олиб, бу жиҳатдан олим уни буюк Карл, қирол Артур, Киев князи Владимир, қирғиз Манаси ёки қалмиқ Жангарга ўхшатади.

Шу ўринда Карл Райхл Гўрўғлини тавсифлаш учун Чадвик, В.Жирмунский фикрларига таяниб, унинг доно ва қудратли суверен эпик қаҳрамон, ўз халқини чет эл босқинчилари, бегона хонлар ва беклардан химоячи қилувчи эканини таъкидлайди.

Шу олимлар айтганларидек, эпик асарларнинг демократик характериға мувофиқ, Гўрўғли сиймоси халқнинг яхшиликларга, хусусан, эзилганлар ва бахтсизларга ғамхўрлик қилаётган патриархал ҳокимият машҳур идеалининг тимсолиға айланади. Афсонавий “Гўрўғли даври” ва унинг юрти – Чамбил машҳур

Утопияға ўхшайди. Бу жой эса қайд қилинган патриархал ҳокимият ҳамда уни бошқараётган идеал ҳукмдор бошқаруви остида машҳур ижтимоий адолат орзуси амалға ошадиган макондир [7. 302-303].

“Гўрўғли” туркуми версия ва вариантларининг машҳурлик даражаси уларда тасвирланган урф-одат ва анъаналарға қараб ҳам фарқ қилади. Масалан, қорақалпоқ достончиларидан туркумға оид бир неча достон ёзиб олинган. Ва уларда ўзбекона урф-одатлар, анъаналар ҳам жуда кўп тасвирланган. Достоннинг “Қорақалпоғистон версияси”даги “Қирмандали” достони нисбатан қисқа бўлиб, босма нашрда бир неча юздан ортиқ саҳифани ўз ичига олади.

Тожикистоннинг жанубида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам “Гўрўғли” достонлари мавжуд. Улар туркумнинг олтмиш тўртдан кам бўлмаган қисмларидир.

Ўзбек тилида достоннинг олтмишдан ортиқ турлари маълум. Хоразм бахшиларига “Гўрўғли” достонини ижро этиш учун ўн етти кун керак бўлади. Чунки ўзбек достонларининг баъзилари катта ҳажмға эға. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты босма нашрда 400 дан ортиқ саҳифани ташкил этади. Достоннинг ўзбек вариантлари, бошқа ўзбек достонлари сингари шеърий ва насрий тузилишда бўлиб, насрдаги бадиий парчалар узун, пухта шеърий парчалардан иборат. Услуби ва ривоят доираси билан туркий ҳикоялардан сезиларли фарқ қилади.

Туркумнинг қорақалпоқча вариантларига “Гўрўғли” эпосининг туркман ва хоразмча версиялари кучли таъсир кўрсатган. Достоннинг қозоқ тилидаги вариантларида ҳам худди шундай таъсирлар мавжуд, аммо улар шарқий “Кўрўғлу/Гўрўғли” достонлари орасида алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Қозоқ тилида ёзиб олинган баъзи вариантлар шеърий ва насрий кўринишда бўлиб, уларда расмий ва услубий жиҳатдан Хоразм анъаналари сақланган. Уларнинг аксарияти соф байт достонлардир. Баъзилари эса октосиллабик, баъзилари эндекасиллабик чизиқли (умуман, тўрт қаторли), айримлари иккаласининг аралашмасида яратилган сатрлардан тузилган.

Қозоқ жирова ва оқинлари “Гўрўғли” туркуми тарқалиб кетган туркманлар

АДАБИЁТШУНОСЛИК

орасида дoston ижро этиладиган просиметрик шаклда эмас, балки қозоқ эпик шеърятдаги одатий шаклда “Гўрўғли” эртаклари мазмунидан келиб чиқиб куйлашади. Қўшнилари урф-одат ва анъаналаридан бу қадар таъсирланиш эса эпик ижодиётга хос хусусиятдир.

Кўпгина шарқий версиялар каби дostonнинг қозоқча вариантлари таркибида Гўрўғлининг отаси Равшанга кўпроқ эътибор берилгани унинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, “Гўрўғли” эпоси воқеалари Шимолий Озарбайжондан

бошқа Кавказорти халқларига, шунингдек, туркий бўлмаган тилларда гаплашадиганларга, масалан, грузин, курд ва арманларга, у ердан қрим татарлари, тобол татарлари ва қорайимлар орасида тарқалган. Ходзко томонидан таржима қилинган Озарбайжоннинг жанубий версияси “Кўрўғлу” туркманларнинг ушбу версияга таъсирини кўрсата олади. Немис олими Карл Райхл ушбу туркум вариантларини ҳам ўзаро, ҳам немис қаҳрамонлик дostonлари ва трагедияларидаги ўхшаш мотивлар, образлар тасвири билан қиёслаб ўргангани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Адабиётлар:

1. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947.
2. Карнев Б.А. Эпические сказания о Кёроглы у тюркоязычных народов. – М.: Наука, 1968.
3. Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Т.: Фан, 1969.
4. Мурадов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гороглы»: Автореферат докторской диссертации. – Т., 1975.
5. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Т., 1979.
6. Ҳоди Зариф. “Равшан” дostonи ҳақида. “Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни”. Тадқиқотлар. 2-китоб. – Тошкент, 1971.
7. Chadwick, Zhirmunsky. Oral epics of Central Asia, vii, 366 pp. Cambridge: University Press, 1969:

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)